

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ
МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ


ХАБАРШЫСЫ

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА



3

НӨКІС 2023 НУКУС

2 jadval. - Charchoq klinik namoyon tasnifi (V. N. Volkov ko'ra)

Xulosa. Sportchining tayyorgarligi va musobaqa faoliyati turli kuch va davomiylik, siklik va asiklik mashqlarini bajarishni o'z ichiga oladi. Ushbu mashqlar davomida charchoqning mexanizmlari va kengayishi turli yo'llar bilan namoyon bo'ladi. Shunday qilib, mashaqqatlari va uzoq muddatli jismoniy faoliyat davomida charchoq (uning darajasi o'zgarishi mumkin) sodir bo'lib, tiklanish jarayonlariga sabab bo'ladi va tanadagi adaptiv o'zgarishlarni rag'batlantiradi. Shu bilan birga charchash va tiklanish nisbati sport mashg'ulotlari jarayonining fiziologik asosi hisoblanadi.

ADAIYOTLAR

1. Дубровский, В. И. Спортивная физиология [Текст] / В. И. Дубровский. - М.: ВЛАДОС, 2005. - 155 с.
2. Солодков А.С., Сологуб Е.Б. Физиология человека общая • спортивная • возрастная. Учебник для высших учебных заведений физической культуры. Издание 2-е, исправленное и дополненное. Допущен Государственным комитетом РФ по физической культуре и спорту в качестве учебника для высших учебных заведений физической культуры. Олимпия-Москва, 2005. С.38-39.
3. Ухтомский А.А. Избранные труды [Текст] / А.А. Ухтомский. – М., 2015. – 369 с
4. Озолин Н.Г. Настольная книга тренера: Наука побеждать.- М.: ООО «Издательство Астрель»: ООО «Издательство АСТ», 2002. - 864 с.
5. Хўжамкелдиев Ф.С. Спорт машгулотлари жараёнларида тикланишнинг аҳамияти // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари" электрон журнали. № 7 (3)- Бухоро, 2023. Б. 233-237.
6. Волков, Л. В. Теория и методика детского и юношеского спорта [Текст] / Л. В. Волов. - Киев: Олимпийская литература, 2002. - 296 с.

Annotatsiya. Bul maqalada juwiriw túrlarinde túrli fizikalıq shınığıwlardı orinlawda sharshawdúń fiziologik hám bioximiyaliq tiykarları boyinsha izertlewler ótkerilgen. Sharshawdúń anıqlawlaw mashqalası menen bir qatarda sharshawdúń rawajlanıwin aldm alw ushın saralanǵan qurallardı tabiwb hám de organizmdiń funksional mümkinshiliklerin rawajlandırıw, fizikalıq shınığıwlardı ushın turaqlı motivatsiya jaratıw mäselelerini sheshimi tájiriye natíjelerinde kórsetilgen.

Yugurish turlarida turli jismoniy mashqlarni bajarishda charchashning fiziologik va biokimoviy asoslari

Rezyume. Ushbu maqolada yugurish turlarida turli jismoniy mashqlarni bajarishda charchashning fiziologik va biokimoviy asoslari bo'yicha tadqiqotlar olingan va o'tkazilgan. Charchashni tashxislash muammosi bilan bir qatorda charchashning rivojlanishini oldini olish uchun saralangan vositalarni topish hamda organizmning funksional imkoniyatlarini rivojlantirish, jismoniy mashqlar uchun barqaror motivatsiya yaratish muammolarini yechimi tajriba natijalarida ifodalangan.

Kalit so'zlar. mashg'ulot va musobaqa yuklamalarining hajmi va shiddati, charchoq hissi, tibbiy-biologik baholashning eng dolzarb masalalari.

Физиологические и биохимические основы утомления при различных физических нагрузках в беге

Резюме. В статье взяты и проведены исследования физиолого-биохимических основ утомления при различных физических упражнениях по видам бега. Помимо задачи диагностики утомления, в результатах эксперимента выражается решение задач поиска избранных средств профилактики развития утомления, развития функциональных возможностей организма, создания устойчивой мотивации к физическим упражнениям.

Ключевые слова: объем и интенсивность тренировочных и соревновательных нагрузок, чувство утомления, наиболее актуальные вопросы медико-биологической оценки.

Physiological and biochemical basis of fatigue during various physical activities in running

Abstract. In this article, studies on the physiological and biochemical basis of fatigue during various physical exercises in running types have been taken and carried out. In addition to the problem of diagnosing fatigue, the solution to the problems of finding selected means to prevent the development of fatigue, developing the functional capabilities of the body, and creating a stable motivation for physical exercise is expressed in the experimental results.

Keywords. the volume and intensity of training and competition loads, the feeling of fatigue, the most urgent issues of medical and biological assessment.

ПСИХОСОМАТИК БЕМОРЛАР ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ХОЛАТИНИ ПСИХОДИАГНОСТИКА ВА ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ

Нарметова Ю.К.

Тошкент тиббиёт академияси

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини, айниқса кейинги йилларда замонавий талаблар асосида ташкил этиш, тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини сифат жиҳатдан янги погонага кўтариш, аҳоли саломатлиги, жумладан, руҳий саломатлигини мухофаза қилишни яхшилаш бўйича кент қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "Ахолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулийлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган холда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўгинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш" каби вазифалар белгиланган [1,2,3]. Бу вазифаларни амалга оширишда сурункали соматик касалликларга чалинган беморларда юз берадиган психологик ўзгаришларга оид клиник-психологик тадқиқотлар самарадорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Методика. Беморларнинг эмоционал хусусиятлари ва ўз касаллигига муносабати касалликни кечишига ва даволаш жараёнини самарали бўлишига ўз таъсирини ўтказганлиги сабабали биз ана шу масалани ўрганишга доир тадқиқотларни таҳлил қилиши ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқотда Люшернинг ранглар методикаси, bemornining ўз касаллигига муносабатини аниқлаш методикаси (ТОБОЛ), Спилберг-Ханиннинг хавотирланишни аниқлаш методикаси, Зунгенинг депрессия даражасини аниқлаш методикаси, Л.А.Рабиновичнинг “Тўрт моддалли эмоционал саволномаси”, Е.П.Ильин ва Е.К.Фешченконинг “Ўз сабрлигини баҳолаш саволномаси” методикаси ва муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома, миқдорий кўрсатгичларни статистик таҳлил қилишда математик статистика методларидан (Спирмен мезони, Крускал-Уоллис мезони, Колмогоров-Смирнов Z-мезони, Манн-Уитни U - мезони) фойдаланилди.

Беморларнинг эмоционал хусусиятлари ва ўз касаллигига муносабат типлари орасидаги ўзаро боғлиқлик. Экспериментал тадқиқотда жами 447 нафар синалувчи иштирок этган бўлиб, улардан 131 нафарини эркаклар, 316 нафарини аёллар ташкил қиласди. Синалувчилар орасида учрайдиган касалликлар бўйича таҳлилни ўрганадиган бўлсак, қўйидаги ҳолатни кузатиш мумкин: онкологик bemorlar 51 нафар, поликлиникага ташриф буюрганлар 238 нафар, кардиологик касалликлар 51 нафар, эндокринологик касалликлар 68 нафар, ошқозоничак касалликлари 10 нафар, назорат гурухи 29 нафар. Тадқиқотда иштирок этган bemornining эмоционал хусусиятлари ва ўз касаллигига муносабат типлари орасидаги корреляцион боғлиқликлар ва қонуниятларни таҳлил этиш турли касалликларга чалинган bemorlar шахсини ўрганишда қимматли илмий материалларни эгаллашга ёрдам бериши мумкин.

Беморларнинг ўз касаллигига муносабат типларининг хавотирланиш ва депрессивлик даражасига боғлиқлигини ўрганиш мақсадида Спирман мезонидан фойдаланилди. Спилбергер-Ханиннинг хавотирланиш даражасини аниқлаш, Зунгенинг депрессивлик даражасини аниқлаш ҳамда Е.П.Ильин ва Е.К.Фешченконинг “Ўз сабрлигини баҳолаш саволномаси” методикалари билан “Касалликка муносабат типини аниқлаш” методикасининг шкалалари орасидаги корреляция коэффициентлари 2-жадвалда тақдим этилган.

1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турганидек, вазиятли хавотирланиш шкаласининг кўрсаткичлари билан ўз касаллигига муносабатнинг гармоник, эргопатик ва анозогнозик типлари орасида юкори ишонч даражасидаги манфий корреляцион муносабатлар аниқланган.

1-жадвал. Тадқиқотда олинган натижаларнинг корреляцион муносабатлари ($N=447$)

Кўрсатгичлар	Вазиятли хавотирланиш	Шахсий хавотирланиш	Депрессив-лик	Сабрли-лик
Гармоник	-0.233(**)	-0.065	-0.194(**)	0.132
Эргопатик	-0.159(**)	-0.055	-0.180(**)	0.448(**)
Анозогнозик	-0.243(**)	0.113(*)	-0.217(**)	-0.009
Хавотирланув-чан	0.426(**)	0.097(*)	0.355(**)	-0.093
Ипохондрик	0.346(**)	0.121(*)	0.282(**)	-0.210
Неврастеник	0.407(**)	0.100(*)	0.337(**)	-0.210
Меланхолик	0.327(**)	0.145(**)	0.328(**)	-0.412(**)
Апатик	0.307(**)	0.126(**)	0.317(**)	-0.465(**)
Сенситив	0.168(**)	0.064	0.093(*)	0.225
Эгоцентрик	0.330(**)	0.151(**)	0.249(**)	-0.120
Паранойял	0.299(**)	0.122(**)	0.271(**)	-0.228
Дисфорик	0.352(**)	0.126(**)	0.324(**)	-0.307(*)

Ушбу ракамлар вазиятли хавотирланиш даражаси паст бўлган bemornining ўз ҳолатини тўғри баҳолаш, яъни уни кўпиртирмасдан, камайтирмасдан баҳолашларини, даволаниш вақтида ўз соғлигини тиклашга астойдил киришишга мойиллукларини, ўз касалликларидан чалғиб, ишга, меҳнат фаолиятига шўнфишга интилишларини, шунингдек, фаоллик билан ўз касаллигини инкор этишга ёки қабул қиласланган тақдирда ҳам унинг оқибатлари ҳакида ўйламасликка харакат қилишларини билдиrsa керак.

Вазиятли хавотирланиш шкаласи билан ўз касаллигига муносабатнинг хавотирланувчан, ипохондрик, дисфорик, меланхолик, апатик, сенситив, эгоцентрик, паранойял ва неврастеник типлари орасида юкори ишонч даражасидаги мусбат корреляцион муносабатлар намоён бўлган (2-жадвал). Эҳтимол, бу ракамлар вазиятли хавотирланиш даражаси юкори бўлган bemorларда доимий равишида касалликнинг ёмон кечишидан ортиқча безовталаниш, асорат қолишидан, даволанишнинг самарасиз ва ҳатто хатарли бўлиши мумкинлигидан чўчиш, касалликка, нокулай ҳиссиятлар ва шароитларга ортиқча эътибор бериш, оғриклар, нокулайликлар, умуман, соғлиқнинг ёмонлашишидан разабланиш, аччиқланиш, хафа бўлиш каби салбий эмоцияларнинг пайдо бўлиши, даволанишга ишончсизлик ва даволанишнинг самарадорлигидан шубҳаланиш билан боғлиқ кечинмалар, ўз тақдирига, касаллик оқибатига, даволаниш натижаларига нисбатан ўта бефарқлик, бальзан эса ортиқча сезгирилик, нозиклик, таъсиранувчанлик хислатининг устунлик қилиши, ўз касаллигини ҳаммага пеш қилиб ундан “фойда” ундиришга интилиш, касалликни қандайдир ташки сабаб асорати сифатида идрок этиш ва гўёки бу касалликни кимдир атайлаб унга қандайдир таъсири ўтказиш йўли билан шакллантирганинг ишониш хусусиятлари хос эканлигини билдириши мумкин.

1-жадвалга диққат билан қаралса, шахсий хавотирланиш ва депрессивлик даражалари билан ўз касаллигига муносабат типлари орасида ҳам асосан юкоридагига ўхшаш мазмундаги корреляцион

муносабатлар кузатилган. Бирок юқоридаги натижалардан фарқли ўлароқ шахсий хавотирланиш шкаласи билан ўз касаллигига анозогнозик муносабат типини ифода этувчи шкала орасида ишонч даражасидаги мусбат статистик боғлиқлик мавжудилиги аниқланди ($r=0.113$; $p<0.05$). Яъни шахсий хавотирланиш даражасининг юқорилиги беморларда фаоллик билан ўз касаллигини инкор этиш ёки ўз касаллигини қабул қилган тақдирда ҳам унинг оқибатлари ҳакида ўйламасликка ҳаракат қилиш ва ўз-ўзидан тузалиб кетишига умид боғлаган ҳолда шифокор кўригидан ўтмасдан ўзини ўзи даволаш билан шуғулланишга мойилликнинг ортишига олиб келар экан. Эҳтимол, бу натижага шахсий хавотирланиш даражаси юқори бўлган кишилар турли фаолият соҳаларига масъулият билан ёндашган ҳолда одатда ҳаётнинг барча соҳаларида мувваффақиятларга эришишга интилганларни сабабли ўз касалликларини инкор этишига ҳаракат қилишларини ифода этаётган бўлиши мумкин.

Беморлар билан ишлаш жараёнида албатта улардаги касаллик турига мос бўлган психокоррекцион моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар қандай психокоррекцион модель беморнинг касаллик типига боғлиқ равишда ундаги касаликка муносабат, хавотирланиш ва депрессияга мойиллик даражасини инобатга олиши зарур бўлади. ТОБОЛ методикаси бўйича экспериментдан олдинги ва экспериментдан кейинги натижаларни солиширганда ҳам бир қатор кўрсаткичларда ижобий ўзгаришлар қайд қилинди. Коррекцион дастур натижаларига кўра гармоникларни шкаласида ижобий ўзгариш кузатилганлиги маълум бўлди ($t=10,369$; $p<0.001$), яъни синалувчиларда ўзларининг касалликларини вахима қилмасдан, ёки ошириб юбормасдан таҳлил қилиш қобилияти шаклланди. Уларда даволанишга бўлган муносабат ўзгарди, касалликни даволашда тиббиёт ходимларига ёрдам бериш истаги пайдо бўлди. Касалликка қаршилик кўрсатиш қобилияти ошди.

Эргопатикларни кузатилганда ҳам ижобий томонга силжиш мавжудлигини кузатиш мумкин ($t=3,096$; $p<0.001$). Бу шкала касалликдан қочиш, яъни ишга берилишни кўрсатади. Кўпчилик синалувчиларда касал бўлганларидан сўнг касалликка эътибор берив иш жараёнига эътибор камайганлигини кузатган эдик. Ўтказилган корреццион машқлардан сўнг уларда яна берилиб ишлашга, меҳнат фаолиятига шўнғишига мойилликнинг ошганлиги аниқланди.

Анозогнозик кўрсаткич ишонч даражасидаги фарқлар кузатилмади, бу шкала касалликни инкор қилиш, унинг оқибатларини тан олмасликни билдиради. Синалувчиларда бу шкала ўзгаришсиз қолди. Синалувчиларнинг аксарияти қайта кўриқдан ўтишга деярли хоши билдирамас эканлар. Эндокрин касалликларга чалинган беморлар шифокорлар томонидан келтирилган кун тартибига деярли амал қилмасликлари, ўз соғликларига нисбатан эътиборсиз эканлиги, ўз фаолиятларида асосий эътиборни меҳнатга қаратишга интилиш мавжудлиги аниқланди.

З-жадвал. ТОБОЛ методикаси бўйича экспериментдан олдин ва экспериментдан кейин олинган маълумотларни таққослаш, N=30

Кўрсаткичлар	Тест натижалари				Стью-дент t-мезони	Ишонч даражаси (р)		
	Экспериментдан олдин		Экспериментдан сўнг					
	M	σ	M	σ				
Гармоник	1.18	7.38	7,53	3,421	-10,369	0,000		
Эргопатик	9.74	11.93	13,70	2,452	-3,096	0,000		
Анозогнозик	3.58	9.11	4,41	8,22	1,324	0,174		
Хавотирланувчан	11.12	8.76	10,54	7,125	1,212	0,170		
Ипохондрик	11.82	8.13	9,60	5,192	3,909	0,000		
Неврастеник	11.29	7.44	6,70	4,120	-5,420	0,000		
Меланхолик	10.31	8.11	11,14	8,211	1,541	0,121		
Апатик	9.58	7.23	8,14	7,98	1,017	0,189		
Сенситив	15.36	8.25	5,80	,714	-10,938	0,000		
Эгоцентрик	11.79	7.09	7,80	1,126	-8,840	0,000		
Паранойял	10.05	7.07	11,21	7,45	1,036	0,182		
Дисфорик	8.90	7.58	9,14	7,65	1,001	0,197		

Хавотирланувчан тип шкаласи бўйича ҳам ишонч даражасидаги фарқлар мавжуд эмаслиги кузатилди. Касалликнинг салбий кечиши билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш бундай беморлар учун жуда муҳим хисоблангани боис синалувчиларда бу хислатни камайтириш имкони бўлмади. Синалувчиларда ўз касалликларининг оқибатларини билишга интилиш ҳеч бутунлай сўнмас экан, деган холосага келиш мумкин. Уларга даволанишнинг янги услубларини излашга интилиш хос бўлиб, шифокорни тез-тез ўзгаришиб туришга мойил бўлар эканлар. Бундай типга мансуб беморлар бир томондан касалликнинг объектив сабабларини ўрганишга интилсалар, иккинчи томондан, бу соҳадаги ҳар бир маълумот улардаги хавотирланиш даражасининг ортишига сабаб бўлар экан.

Ипохондрик тип шкаласи бўйича коррекцион машқлардан сўнг ишонч даражасидаги фарқ кузатилди ($t=3,909$; $p<0.001$). Нохуш ҳиссиятларга нисбатан субъектив фикрларнинг ошиши терапевтик машқлардан сўнг пасайганлигини кузатиш мумкин. Атрофдагиларга ўз касалликлари ҳакида маълумот берив камайганини, ўз азоблари ва оғрикларини бўрттириб кўрсатиш ҳолатлари пасайганлиги кузатилди. Беморларда даволанишга нисбатан ишонч ортди. Неврастеник тип шкаласи бўйича ҳам коррекцион машқлардан сўнг статистик ишонч даражасидаги ўзгаришлар содир бўлганлиги аниқланди ($t=5,420$; $p<0.001$). Синалувчиларимизда оғрикли хис-

етиш вақтида даво чоралари таъсир қилмаётгандығын айтиш ҳолатлари камайды. Уларда яқинларига нисбатан аламзадалик кайфияти, сабрсизлик камайды. Ўз ҳолатларини реал баҳолаш қобилияты шаклланди. Даволаниш жараёниша шифокорларга фаол ёрдам бера бошладылар. Жадвалдан күриниб турганидек, меланхолик ва апатик типлар бўйича ўзгаришлар қайд килинмади.

Сенситив тип шкаласининг кўрсаткичларида статистик ишонч даражасидаги ўзгаришлар кузатилди ($t=10,938$; $p<0.001$). Ўта сезирлик беморларга касалликни қабул қилишларига тўсқинлик қиласди, атрофдагилар уларга раҳм қилишларидан ҳайкишади, айнан шу хислатлар, яъни атрофдагиларнинг беморнинг касаллигидан хабар топиб, ачинишларидан чўчиш ҳолатлари камайганлиги кузатилди. Яқинларига қарам бўлишдан чўчиш ҳам сезиларли даражада камайды. Эгоцентрик тип шкаласи бўйича ижобий ўзгаришлар намоён бўлди ($t=8,840$; $p<0.001$). Касалликни факат ўзининг фойдаси учун қабул қилиш камайды. Атрофдагиларга ўзининг қанчалик қийналаётгандығын кўз-кўз қилишга мойиллик деярли йўқолди. Яқинларига нисбатан худбин муносабатда бўлишга мойиллик ҳам анча барҳам топгани аниқланди. Параноял ва дисфорик тип шкасалари бўйича беморлардаги натижаларда коррекцион машқлардан кейин айтарли ўзгаришлар кузатилмади.

Юкорида тақдим этилган натижалардан шундай хуносага келиш мумкинки, инсонлардаги маълум бир хислатлар улардаги касалликка қарши курашиб қобилиятларининг шаклланishiiga ёрдам беради. Уларнинг муайян салбий ҳиссий кечинмалари, меҳнат фаолияти билан боғлиқ узоқ муддатли стрессларни бошдан кечиришлари натижасида касалликнинг кучайиши ёки, аксинча, ижобий ҳиссий кечинмалар ва ўз касаллигига нисбатан адекват муносабатни шакллантириш орқали улардаги руҳий-эмоционал зўрикиш даражасини камайтириш мумкинлиги ўз тасдигини топди.

Шакллантирувчи экспериментдан сўнг эмоционал соҳада амалга оширилган психологик таҳлил натижасида аффектив фоннинг нормаллашуви, эмоционал ўзини ўзи бошқариш қобилиятининг ортиши кузатилди. Эмоционал хотиржамлик идроқдаги адекватликни юзага келтириди.

Касалликка муносабат жиҳатлари бўйича олинган натижалар шуни кўрсатди, уларнинг ўз касаллигига бўлган муносабатларида ижобий томонга силжишлар аниқланди. Демак, шакллантирувчи эксперимент орқали ижобий натижалар олиш мумкинлиги ўз тасдигини топди дейиш мумкин.

Хулоса. 1. Сурункали соматик касалликлар хусусиятидан келиб чиқиб, асосий эътиборни эмоционал бузилишларга қаратиш, хусусан, ниқобланган депрессияни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш касалликларнинг асоратли кечишининг олдини олиши, даволаш самарадорлигини ошириши, госпитализация муддатининг қисқариши ва беморнинг ижтимоий-психологик мослашуви таъминланишига олиб келади. 2. Соғлиқни саклаш тизими фаолиятида психологик хизматни ташкил этишда касалликлар нозологиясиага мос равишда адекват психик-диагностик ва психик-коррекцион методларни танлаш, психологик интервенцияни йўлга кўйиш даволаш ва реабилитация жараёнларининг муваффакияти кечишига олиб келади. 3. Ахоли ўртасида психологик билимлар тарғиботини йўлга кўйиш соғлиқни саклаш тизимида психологик хизматни ташкил этишининг мухим элементларидан бири бўлиб, одамларнинг психологик хизмат муассасаларига ўз вақтида мурожаат қилишларига замин ҳозирлайди ва уларда касаллик таъсирида юзага келиши мумкин бўлган бир катор ноҳуш психологик ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда даволаш имкониятини беради.

АДАБИЁТЛАР

- Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараккиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маъросимидаги маърузаси// Ўзбекистон адабиёти ва съянати газетаси. 2016 й. 8 декабр.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. – Т., 2017.-Б.39.
- Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Тошкент., “Ўзбекистон” 2017. – 488 б.

Психосоматик беморлар психоэмоционал ҳолатини психодиагностика ва психокоррекцияси

Резюме. Маколада психосоматик касалликлар билан оғриган беморларда учрайдиган эмоционал ҳолат бузилишлари, уларнинг касалликнинг оғир кечиши ва салбий оқибатларга олиб келишидаги роли кўрсатиб ўтилган. Таъкидланадики, юрак қон-томир касалликлари, қандли диабет, ошқозон-ичак хасталиклари каби турли соматик касалликлар кўпинча эмоционал ҳолат бузилишлари билан никобланishi ва аксинча мазкур касалликлarda эмоционал соҳа бузилишлари касалликнинг батамом тузалиб кетишига тўсқинлик қиласди. Мазкур ҳолатлар психосоматик касалликлар клиникасида психологик ёрдамни ташкил этиш ва барча психопрофилактик ҳамда коррекцион тадбирларни йўлга кўйишни тақозо этади.

Таянч сўзлар: психологик хизмат, психо-эмоционал хусусиятлар, депрессия, касаллика муносабат.

Психодиагностика и психокоррекция психоэмоционального состояния психосоматических больных

Резюме. В статье описаны расстройства эмоционального состояния у больных психосоматическими заболеваниями, их роль в тяжести заболевания и негативных последствиях. Отмечается, что различные соматические заболевания, такие как сердечно-сосудистые заболевания, сахарный диабет, заболевания желудочно-кишечного тракта, часто маскируются эмоциональными расстройствами и, наоборот, эмоциональные нарушения при этих заболеваниях препятствуют полному выздоровлению заболевания. Данные случаи требуют организации психологической поддержки в клинике психосоматических заболеваний и проведения всех психопрофилактических и коррекционных мероприятий.

Ключевые слова: психологическая служба, психоэмоциональные характеристики, депрессия, отношение к болезни.

Psychodiagnosis and psychocorrection of psychoemotional condition of psychosomatic patients

Summary. The article describes the emotional state disorders in patients with psychosomatic diseases, their role in the severity of the disease and negative consequences. It is noted that various somatic diseases, such as cardiovascular diseases, diabetes, gastrointestinal diseases, are often masked by emotional disorders, and on the contrary, emotional disorders in these diseases prevent

the complete recovery of the disease. These cases require the organization of psychological support in the clinic of psychosomatic diseases and the implementation of all psychoprophylactic and corrective measures.

Key words: psychological service, psycho-emotional characteristics, depression, attitude to illness.

ЁШЛАР СУБМАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хасанова М.Т.

Тошкент давлат транспорт университети академик лицейи директори

Маълумки, дунё миқёсида ва мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда кайд этилганидек, XX асрнинг сўнгги чорагига келиб, кўплаб ривожланган, ривожланаётган давлатларда ёшларга доир фаолият сиёсатнинг муҳим йўналишига айланди, унга доир умуминсоний тенденциялар ва устуворликларни белгилайдиган халқаро хужжатлар қабул қилина бошлади. Хусусан, 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Самарали ёшлар сиёсатини шакллантиришнинг асосий қоидалари тўғрисида”ги резолюция ана шу жараённинг бутун дунёда устувор хусусият касб эта бошлаганини кўрсатди. Глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб ва чукурлашиб бораётган хозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида бутунжаҳондаги 2 миллиарддан ортиқ ёш авлод вакилларининг инсоният тараққиётида муҳим ўринга эга бўлаётгани ва ёшлар омилининг алоҳида эътиборни талаб килаётгани ҳакидаги фикри ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Юртбошимизнинг ушбу анжуマンдаги “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлик. ... Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” деган хulosаси эса БМТга аъзо барча мамлакатлар вакилларининг дикқатини ўзига қаратгани бежиз эмас [1]. Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2018 йил 10 июндаги мажлисида илгари сурилган “БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги таклифи ҳам айни шу нуқтаи назардан ниҳоятда долзарб вазифалар мавжудлигини кўрсатиб берганди [2]. Етмиш йилдан ортиқ давр мобайнида шўролар мустабид тузумининг хукмонлиги миллий маданиятимиз ва анъаналаримиз тизимиға ҳам ўз таъсирини ўтказди ва мадниятимиз маълум даражада деформацияга учради. Жамиятнинг маданий, маънавий-мафкуравий асоси емрилди ва мустабидлик тузумидан халос бўлган мустакил мамлакатлар халқарининг маънавий ҳаётида янги давр бошланди. Миллий ўзлигини англаш, асл миллий қадриятларини тиклаш жараёнлари оғрикли кечди, маълум вақт жамиятда маънавий бўшлиқ холати юзага келди, маданий парадигмаларни белгилаб олиш, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, миллатни анъанавий қадроиятларга қайтиши, уни янгидан бунёд этиш жараёни бошланди. Сиёсий тизим ўзгариши доимо оғрикли ва кутилмаган натижаларни олиб келадиган жараёнлиги жаҳон амалиётидан маълум. Ана шу жараёнда айниқса ёшларнинг дунёқарашини пок ва тиниқ сақлаб қолиш ўта муҳим масаладир.

Ана шуни ҳисобга олган холда постсовет мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда 1991 йилнинг 20 ноябрида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва улар фаолиятининг амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги аҳамиятини ошириш, бу жараёнда замонавий фикрлайдиган, таҳдидбардош ёш авлодни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу нуқтаи назардан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Асосий қонунимизнинг 50-моддасида: “Ҳар ким таълим олиш хуқуқига эга. Бепул умумий ўрта таълим олиш ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таъим мажбурийдир”; 79-моддасида: “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик хуқуқлари химоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради” [3] деб қайд этилганди. Ҳаммага бир хилда бўлган мустабидлик мафкурасининг босимидан халос бўлган мустакил республикаларнинг ҳаммасида ўтиш даври ва айниқса ёш авлодни сақлаб қолиш, парокандаликни четлаб ўтиш жараёни турличи кечди. Жумладан, мустакил Ўзбекистон ёшларининг дунёқарашидаги бўшлиқни эгаллашга шошилган диний ақидапарастлик иллати маълум даражада натижага эришди. Мустакиллик берган озодлик шамоли аслиятимизга қайтиш, диний билимларни, араб алифбосини ўрганиш истагини кучайтиргани ва бундан маълум бир кучларнинг фойдаланишга интилгани кўзга ташланди. Миллий маданиятни, санъатни, адабиётни ривожлантиришга ҳам кенг имкониятлар яратилди. Бундай имкониятлардан Фарб мафкурачилари ҳам фойдаланиб қолишга харакат қилдилар, албатта.

Субмаданият ана шундай бир ўтиш даврида ўзига макон излаш асносида кириб келди дейиш мумкин. Субмаданият умумқабул қилган анъанавий маданиятнинг бир тури, унинг ичидаги маълум бир гурухларга хос бўлган маданият сифатида пайдо бўлди. “Суб” лотинчада тагида, остида, пастида деган маъноларни беради. Тагмаданият, остмаданият демасдан уни “субмаданият” тарзида кўлланиш амалиётга киритилган. Америкалик социолог Д.Рисмен “субмаданият” терминига социологик жиҳатдан баҳо бераб “кишиларнинг алоҳида категорияси ва гурухи маданияти”[4.14] деб белгилаган. Бу маълум қадриятлар тизими, одоб модели, муайян ижтимоий гурухнинг хаёт тарзи, устувор маданиятнинг бир бўлгаги маъноларида кўлланилади. Бу амалиётда

таблабар	100
Бердиева З.И. Замонавий таълим тизимида ўқув-лойиҳа ишининг аҳамияти	103
Султанов Е. К. Бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш	106
Kazakov A.R. Zamonauiy voleybolda xujum va to'siq qo'yish usullariga xos sakrash texnikasiga o'rgatish zarurligi	109
Норқулов Х. Д. Ўсмирларни оиласа тайёрлашда экологик маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари	111
Каниназаров А. Г. Мактаб ёшидаги болаларда жисмоний тайёргарлик ва уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг аҳамияти	115
Utegenov J.J. Talaba yoshlarning jismoniy tarbiya va sog'lomlashdirish mashg'ulotlariga bo'lgan qiziqishlari va ehtiyojlarini inobatga olgan holda jismoniy tarbiyanı tashkillashtirish masalalari	119
Xo'jamkeldiyev G.S. Yugurish turlarida turli jismoniy mashqlarni bajarishda charchashning fiziologik va biokimoviy asoslarini	121
Нарметова Ю.К. Психосоматик беморлар психоэмоционал холатини психодиагностика ва психокоррекцияси	124
Хасанова М.Т. Ёшлар субмаданиятнинг ўзига хос хусусиятлари	128
Остонов Ж. Ш. Эксперт-психолог фаолиятида қиёфа ва визуал психодиагностиканинг аҳамияти	130
Xolmatova N. O. Bakalavriat yo'naliishini tibbiyot sohasida o'qitishda problem based learning usulidan foydalanish	134
Амирлан Е.С. Андрагог в современном образовании	136
Альджанова Г. А. Психологические барьера межкультурной коммуникации	139
Пирниязова Н.В. Анализ непрерывного профессионального развития педагога	142
Алламуратова В. З. Ўкувчиларнинг дастурлаши тиллари бўйича олган билим ва кўнгимларин аниқлаш учун Yandex. Contest тизимида вазифаларни кўшиш, танловлар ўтказиш ва ундан фойдаланишни такомиллаштириш	144
Ибрагимов Б.И. Шарқ мутафаккирлари асарларида маърифатпарварлик гоялари орқали ёшларда масъулиятлилик фазилатини шакллантириш	150
Xudoykulov R. Q. Bo'lajak muhandislarda texnologik kompetentlikni mediata'lim vositalari asosida rivojlantirish	152
Imanov B. B. O'quvchilarning tabiatda sodir bo'layotgan fizik jarayonlarni anglab etishda tajribalarning o'rni	155
Abdiramanov P. Mekter oqiwshilarini döretiwshilik qabiliyetlerin rawajlandiriwa illyustratorlar ómiri hám döretiwshilik jumislarin úyreniwdiň áhimiyeti.	157
Mustafaeva R., Tursinbekova I.J. Internet texnologiyalari tiykarinda joqari oqiw orinlarinda óz betinshe oqiw processin shólkemlestiriw	160
Турсынбекова И.Ж. Мултиагентли технологияларга асосланган ўқув тизимларидан фойдаланишнинг асосий тамоиллари	162

**ИСТОРИЯ. СОЦИОЛОГИЯ.
ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.**

Якубов М. А. Берунийдың илимий- табийӣый ҳэм философиялық қөз- караслары	166
Бердимуратова А.К., Бердимуратов Н.М. Антикоррупционная политика Сингапура и возможности использования ее инструментов в Узбекистане	171
Матмуратов Б. Дж. Тийкарғы мақсетимиз коррупциядан жырақ Жана Өзбекстанды курыў: “Мәплер соклығысыўы хаққында”ғы Нызам қабылланды	174
Мырзабаев К. Б. Влияние институтов гражданского общества на модернизацию государственной службы: Национальный и зарубежный опыт	178
Кабулов Х. А. Янги Ўзбекистон тараққиёт боскичида давлат ҳокимияти ва суд-хуқуқ тизимини шакллантиришда сиёсий партияларнинг роли ва аҳамияти (қиёсий таҳлил)	182
Камалова М. С. Қарақалпакстан медицинасы тарийхының үйренилийи (1991-2021)	186
Кудайбергенова Да.А. Қорақалпок либосини безашда тангалардан фойдаланиш	188
Бабаджанов С. С. Глобалашув шароитида олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларнинг медиахавсизлик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий- методик асослари	190
Дауменов Б. Парламент назоратидаги хуқуқни кўллаш амалиёти ва такомиллаштириш йўналишлари	192
Мадаминова Д.И. Миграция ва хавфизлик категориялари ўзаро алоқадорлигининг назарий-концептуал таҳлили	195
Алимбетова Г. А. Сиёсатшуносликда сиёсий ғоя ва мағкураларга оид назариялар	199
Сайманов С. С. Состояние архивного дела каракалпакстана в послевоенные годы	202
Yunuskhuijaev K.H. Ўзбекистонда энг янги давр тарихида ижтимоий давлат гояси	205
Худайберганов Р. Х. Тил ва коммуникация ижтимоий онгни шакллантиришнинг мухим омили сифатида	206
Ganieva G. Talabalarning ta'lím jarayonida tashkilotchilik qobiliyatlarini rivojlantirish bugungi kuning asosiy maqsadi	209
Сайфуллаев Б.Қ., Мадримов Б.Ж. Қорақудук устюрт палеолитининг энг қадимги тошга ишлов берини устахонаси	212
Tleumuratova A.J. Jahon animatsiya san'atida tarixiy mavzu, obrazlar talqini va o'zbek animatsiya san'atida tutgan o'rni	214
Yazdonova S. K., Yazdonov U. T. Kibermakonning falsafiy kategoriya sifatidagi mohiyatini anglash	217
Mambetkarimov R.R. Talabalarning tahliiyi fikrlashini rivojlantirishning amaliyotdagi holati	219
Ганиев Е. Ж. Тўлов хизматларни кўрсатишга доир шартноманинг қўлланилиш соҳалари	221
Тураханов А. А. Анализ теоретических концепций и подходов, связанных с предотвращением влияния негативной идеологии и формированием психологической устойчивости у курсантов военного обучения	224
Юлдашев Ж. Компанияларда ахборотларни ошкор килишини хуқуқий тартибга солиши	227
Raxmonov S. M. Masnaviyi ma'naviydagil axloqiy qarashlarning naqshbandiya tariqati namoyandalari tomonidan sharhanishi	230
Рейимбаев А. Жиноят хукукида жиноятика даҳлдорликнинг мазмуний ва хуқукий моҳияти	233
Сапарбаев Р. Т. Пути внедрения в социальную практику каракалпакстана инновационных подходов повышения благосостояния и качества жизни молодых семей	235
Тешабоев А. Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурний ислоҳотларни хуқукий жиҳатдан таъминлашнинг долзарб	